


РАВШАНБЕК ХОННИЁЗ

# ОРЗУЛАРИНГИЗ САРИ ИНТИЛИНГ

Муваффақият калити





РАВШАНБЕК ХОННИЁЗ

ОРЗУЛАРИНГИЗ САРИ  
ИНТИЛИНГ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2012

**УДК: 174.4**

**ББК: 88.37**

**Хонниёз Р.** Орзулар сари интилгин. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2012

ISBN 978-9943-08-582-4

*Ушбу китобда инсоннинг беқиёс имкониятлари, орзуларнинг рўёбга чиқишида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳаётий мисоллар билан ёритилган. Сиз ўз олдингизга мақсад қўйишни, орзуларга ишонишни, уларга эришишнинг оддий, содда ечимларини билиб оласиз. Шу асосда ҳаётингизга назар ташлаб, мазкур китоб муаллифи каби омад ва орзулар сари интиласиз.*

**УДК: 174.4**

**ББК: 88.37**

ISBN 978-9943-08-582-4

© Равшанбек Хонниёз “Орзулар сари интилгин”. “Янги аср авлоди”, 2012

## ОРЗУЛАРИНГИЗ САРИ ИНТИЛИНГ

*“Буюк ишлар ҳақида орзу қилинг, буюк орзуларгина  
инсон қалблари торини черта олади, холос”*

*Марк Аврелий*

Мен ўртаҳол оилада ўсганман. Бошқалар каби ўрта маълумот олган, ўртамиёна инсонман. Бироқ, кўп йиллар муқаддам, кунлардан бир куни, бундай турмуш кечиришдан зада бўлганимни англаб етдим. Энди бу тарзда яшай олмасдим. Ахир, ҳаётда ўртача натижалар қабул қилиб, юксакларга парвоз қилиш қийин. Шу бўлди-ю мен фақат олий даражадаги кўрсаткичларга эришишга аҳд қилдим, бу йўлда ўзимни сира аямадим. Ҳозиргача мен ана шу йўлимдан оғишмай, мақсад-маслагим сари қатъий одимлаб келмоқдаман.

Ушбу китоб орқали мен муваффақиятга эришишдаги асосий қоидалар ва тегишли тамойилларни сиз, азиз ўқувчилар билан баҳам кўришга уриниб кўраман. Ўз навбатида сиз ҳам ҳаётда муваффақиятга эришиш учун мазкур тамойиллардан фойдаланишингиз ёки ўзингизнинг қоидаларингизни ишлаб чиқишингиз мумкин. Бу борада қўлингиздаги китобим сизга асқотишига тўла-тўқис аминман. У сизни орзу қилишга ва орзунгиз қандайлигидан қатъи назар, кичкина бўладими ёки буюкми, уларга етишишга ўргатади.

Менинг асосий ютуқларимдан бири таълимнинг катта йўлини босиб ўтганим бўлди. Мен жуда кўп ўқиб-ўргандим, бу жараёни ҳозирги кунда ҳам сусайтирганим йўқ. Ҳар қандай фикр, нуқтаи назарни далиллар билан асослашга тааллуқли адабиётларни, шунингдек, муваффақиятга эришишга доир талай китобларни мустақил равишда ўқиб чиқдим. Ижобий фикрлаш ва шахсий камолотга бағишланган турли курслар, семинарлар ва маърузаларда қатнашдим. Мен ушбу китобим орқали сиз, азизларга **ҳаётда эҳтирос, завқ-шавқ билан яшаш нақадар муҳимлигини, орзуларингизни қай тарзда таъкиб этишингиз зарурлигини таъкидлаб, унда қандай куч яширингани ҳақида сўзлаб бермоқчиман.** Сиздаги мавжуд иштиёқ билан ўз орзуларингиз ортидан эргашган чоғда ҳаётингиз ҳеч бир эҳтироссиз оддий умргузаронликдан нақадар фарқ қилиши ҳақида ҳам сўз юритаман.

Ортимга ўгирилиб, ўтган ҳаётимга назар соламан. Ҳозир ёшим эллик иккида. Умримнинг энг ажиб палласи! Чунки инсон сифатида бу даврда ўзимни ҳаётга ниҳоятда ташна сезяпман, орзуларимни эҳтирос билан қувиб, уларни ҳаётда татбиқ этмоқдаман. Ўзимдаги бор эҳтиросларим билан орзуларим пайига тушган пайтларни ҳам хотирляпман.

Институтни тугатиб, Тошкентдаги заводлардан бирига цех устаси сифатида ишга кирганим эсимда. Маълум вақт мобайнида ҳаётда оқим бўйлаб

ҳаракатланишимга тўғри келган. Ўзимга-ўзим, кошки маош олсам, кошки эди, бир хонали уйимдан каттароқ ва яхшироқ уйим бўлганида, деб орзу қилардим. Рангли телевизор сотиб олсам қани эди, деб ҳам ўйлардим. Э-хе, орзуларимнинг чеки йўқ эди. Тасаввуримда чиройли уй, енгил машина, севимли иш ва ҳоказо-ҳоказолар бор эди. Бироқ бу орзулар аста-секин ғойиб бўла бошлади. Дунё бўйлаб саёҳатга чиқишни амалга ошириш учун бўш вақтга эга бўлиш истагим ҳам сўна борди. Нахотки, ниятларим рўёбга чиқмаса? Нахотки, ишончим кундан-кунга йўқолиб бораверса? Ўз ишимдан ташқари яна бирорта бошқа фаолият билан шуғулланишга улгуришим учун истейфога чиқиш, ишларимни эртароқ тугатиш, фарзандларим учун мазмунли ҳаёт тарзини таъминлаш, улар билан вақтимни ўтказиш истагим ҳам аста-секин сўнаверди. Фаровон ҳаётга эришишимга ишончим комил эмас эди. Нима қилишим кераклигини, оиламиз тўкин-фаровонлигини қандай қилиб яхшилашим мумкинлигини ҳам билмасдим. Шу билан бирга ўзимча нималарнидир нотўғри бажараётганимни англай бошлагандим.

Бу ҳолат кўлимга бир нечта китоб тушиб, уларни ўқиб чиққунимга қадар давом этди. Мазкур китоблар орзулар ҳақида бўлиб, қандай қилиб орзу қилишни ўрганиш ва уни қай тарзда рўёбга чиқариш мумкинлиги ҳақида баён қиларди. Шундан сўнг, 1991 йилда мен Плеханов номидаги Москва академияси ҳузуридаги менежерлар тайёрлаш марказида уч ойлик таълимни давом эттирдим. Бу даргоҳда орзу қила олиш қобилияти туфайли кўплаб ютуқларга эришган кишиларни учратдим. Улар ўз билимларини мен билан ўртоқлашар, қандай орзу қилиш кераклиги ҳамда инсон ўз орзуси ортидан нақадар жўшқинлик билан интиломоғи зарурлигини айтиб беришарди. Шу чоққача мендаги орзулар орзу эмас, балки яхши истакларгина бўлганини англай бошладим. Менинг истакларим билан орзуларим бир-биридан фарқ қиларди: мабодо ўша орзуларим бўлганида, мен бутун эхтиросим билан уларнинг кетига тушган ва улар менга бир дақиқа ҳам тинчлик бермаган бўларди! Истакларим эса қалбимда вақти-вақти билан ҳар замонда бош кўтариб, қалбимга чўй солиб, мени оташга солмас, тинч-хотиржам ухлашимга имкон берарди. **Энг муҳими, жиндек хоҳлаб қилинган истаклар, бу – ҳали мақсадлар эмаслигини мен англаб етган эдим!**

Шу боис ҳам кўлимга қалам олиб, ҳаётда боши берк кўчага кириб қолган, у ердан чиқиб кетиш йўлини билмаётган кишиларга ўз ҳаётини қай тарзда яхшилаш мумкинлиги тўғрисидаги фикрларим билан ўртоқлашишга аҳд қилдим. Мен эндигина ҳаёт йўлига кириб келаётган ва ишни нимадан бошлаш кераклигини билмаётган ҳамда меҳнат фаолиятини тугатиб, нафақага чиққан, бу ёғига нималар қилиш мумкинлигидан беҳабар инсонлар, шунингдек, шу пайтгача ҳаётда ўз ўрнини топмаган ва “тақдиримга нима битилган, нима учун яшайпман?” деган саволга жавоб тополмаган одамлар билан фикрлашмоқчиман.

Москвадаги учрашувлардан кейин ҳаётим бир юз саксон даражага ўзгариб кетди. Мазкур учрашувлар тафаккуримга ўзгариш ясаб, мени бошқача инсонга айлантириб қўйди. Ҳеч ким менинг ўрнимга орзуларимни амалга оширмаслигини ва ҳаётдан истаганларимни зарҳал ликопчада тайёр ҳолда келтириб бермаслигини англаб

етдим. Орзу ва истаклар орасидаги фарқ жуда оддийлигини тушундим. Мен бутунлай ўзгача инсон – орзу қилувчи ва ҳаракатдаги одам бўлишим зарурлигига ақлим етган эди. Ҳаётда нимага эга бўлишимизни, нимани кутаётганларимиз ва шу асосда пайдо бўлувчи мақсадларимиз белгилашини англадим. Энг асосийси, орзуларимиз ҳаддан ташқари майдалашиб кетмаслиги лозим. Муҳими эса, Яратган бизга энг катта ҳадя бергани, ундан фойдалана билишимиз зарурлигини тушундим. Шунингдек, билганларимизни бошқаларга ҳам сўзлаб, худди шундай ҳадя уларга ҳам тақдим этилгани ва ундан фойдаланишни – тўғри орзу қилиш ва ҳаётда ўз мақсадларига эришишни билишлари кераклигини англадим!!! Мазкур тушунчалар биз вояга етгач, фақат бир масалада – бажара олмаган ишлар тўғрисида афсусланмаслигимиз учун даркор. Бир кун келиб, ортингизга ўгирилган ҳолда, “ўз олдимга янада юксакроқ мақсадлар қўйганимда, ҳаётим қандай бўларди?” деб ўзингиздан сўраш нақадар нохушлигини тасаввур қилиб кўринг.

**Хошишни орзудан қандай фарқлаш мумкин? Орзу қилишга қай тарзда ўрганиш ва унинг рўёбга чиқишига қайси йўл орқали эришиш мумкин?..** Мазкур китобда мен ана шу ҳақда сўз юритаман. Сиз ҳам ўз орзунгизни истаклардан фарқлашга ўрганинг! Унутманг, энг асосийси, ҳеч қандай аниқ ўлчам, мезонлари бўлмаганида, бу мақсад эмас, балки шунчаки истак, сизнинг хоҳишингиз, қандайдир тузукроқ тилак, яхшироқ ғоядир. **Хошиш**, бу – ўзингизга: **“истардимки...” “кошки шундай бўлса эди”, “яхши бўларди”, “агар бўлганда эди”** ва шу каби сўзларни айтишдир. Масалан, озганим маъқул, дейиш – яхши ғоя. Яхши истагингизга ўзингизни тайёрлаган чоғда ёки Олий кучлардан тилакларингизни шу тарзда сўрашингиз фақат хоҳиш бўлиб қолаверади. Ахир сиз шундай деб сўрайсиз: *“Парвардигори олам, менинг хоҳлаётганларимни берсанг кошки эди”*. Ёки сал бошқачароқ: *“Худойим, истаганларимни олишга эришишимга ёрдам бер”*. Шундай экан, Олий кучлар сиз сўраётганларингизни бериши ҳам, бермаслиги ҳам мумкин. Ахир ўзингиз шу тарзда сўраяпсиз-да! Сиз тўғри орзу қилишга ўрганишингиз ва уни аниқ таърифлаб, ўз мақсадингизни қўйишингиз керак. Орзу қилаётган инсон билан ўз олдига аниқ мақсад қўйган одамнинг ягона фарқи шундаки, орзу уни амалга ошириш муддати билан тўлдирилади. Орзу қилиш ва сўраш қуйидагича бўлиши керак: *“Мен 2010 йилнинг 8 апрель кuni соат 18.00 да 75 кило тош босаман”*. Буни гўё шундай кўрсаткичга эга бўлган каби тасдиқлашингиз зарур.

Мен **аффирмация ва визуализация** тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Аффирмация, бу – истакларингизни овоз чиқариб тасдиқлашингиздир. Яъни, ўз истакларингизни худди унга ўзингиз эга бўлгандек айтиб тасдиқланг. Аффирмация – орзуларингизни овоз чиқариб сўзлаш, дегани. Бу моддийлаштиришни истаётган фикрларингизни айтиб тасдиқлашдир. Тонгни, ҳали ўрнингизда ётганингизда аффирмация билан кутиб олинг. Овоз чиқариб, ҳозирги замонда таъкидланг. Бу сўзлар қуйидагича бўлиши мумкин:

– Мен кучлиман!

– Мен соғломман!

– Мен омадлиман!

– Мен мувафакиятлиман!

– Мен пулдорман!

Ишбилармон кишилар муваффақият сари тўхтамасдан, ҳеч қандай хатоларга эътибор бермасдан, катта тезликда учиб бориш, ўзи ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш ва чекловчи ишонтиришлардан озод бўлиш зарурлигини аниқладилар. Ўзингизга ҳар жиҳатдан қулай доирани худди ўзингиз яшаётган чегара деб тасаввур этинг. Бу “чегара”ни ўзингиз қургансиз. У “фалон иш қилолмайман”, “бажаришим шарт”, “шарт эмас” ва бошқа ишонтирувчи сўзлардан иборат. Улар бутун ҳаётингиз давомида сиз йиққан ва мустаҳкамлаган салбий фикрлар ва қарорларингиз асосида шаклланади. Аффирмациялардан фойдаланиб ва ўз “мен”ингизни ишонтириб, ҳозир эга бўлган тилагингиз: хоҳлаганингиздай йўл тутаётганингиз ва ким бўлишни истасангиз, ўша эканлигингизни тасдиқлаган ҳолда ўзингиз кўниккан доирадан ташқарига чиқинг.

Мен ҳозирги имкониятларимдан кўра юксакроқ мақсадларни қўйиш ҳақидаги тавсияларни ўқиган чоғимда, илк бор аффирмациялар қуввати тўғрисида билиб олдим. Агар уларга эришиш насиб этганида, ҳайратга тушган бўлардим. Ва, гарчи бу тавсиялар тўла асосланган бўлса-да, уларни шахсий ҳаётимда росмана қўллаш ҳақида ўшанда жиддий бош қотирмаган эдим. Бу ҳақда бир йил бурун, бутунлай тасодифан, фарзандларимнинг тўйини ўтказиш арафасида ўйлаб қолдим. Мен бир йил ичида иккита тўй қилишим керак эди. Ўғлимнинг тўйи июль ойида, қизимники эса августда ўтиши мўлжалланганди. Тўйни бошидан кечирганлар битта ўзбекона тўй қилиш нақадар осонмаслигини яхши билади.

Бу ҳали ҳолва. Оилавий кенгашда тўйни Тошкентнинг энг дабдабали ресторанларидан бирида ўтказиш режалаштирилди, бу эса уни амалга оширишни янада мураккаблаштирарди. Ўша вақтда менинг даромад келтирадиган манбаларим йўқ, боз устига, қарзларим бўлиб, уни қайтаришим зарур эди. Тўйгача ярим йил вақт қолган. Уч йўлдан бирини танлашим керак: қариндошлар ва дўстларимдан қарз олиш (бирок мен бунга тайёр эмасдим, чунки умрим бўйи ёлғиз Яратганга ва ўзимга суянардим); иккинчи йўл ҳиссиётли ва “энг осон” эди: ўз ҳаётимга нуқта қўйиш, муаммоларни оила аъзоларим ҳал этишига қолдириш; учинчи йўл янада мураккаб: беҳад зўр иштиёқ билан ўз орзуларимга ишонишим ва Аллоҳдан тўғри йўлни кўрсатишини сўрашим ҳамда қандай бўлмасин, мақсадимни амалга оширишим керак эди! Менинг аффирмациям шундай кўриниш олганди: *“Аллоҳ – менинг туганмас қайнар булогим, унинг иродаси билан менга катта пул тез ва осон келади, мен эса яхшилик қилганларнинг барчасига ундан-да кўпроқ яхшилик қайтараман. Ўғлим ва қизимнинг тўйини ўтказиш учун йигирма минг доллар пулни осон ва тез ишлаб топаман. Аллоҳим, Ўзинг менга тўғри йўл кўрсат ва бу тадбирларни ўтказиб олишимга ҳикмат ато эт, шарманда қилма!..”*

Ҳар куни тонг саҳарда фақат ана шу ўйлар ва илтижолар билан уйғонар ва оқшомлари ётишдан олдин уларни такрорлардим. Бу ҳол бир неча ой давом этди. Тўй куни яқинлашар, аммо ҳеч қандай йўл топилавермади. Аҳволим ночор эди. Яратгандан янада кучли эҳтирос билан сўрашни ва илтижо қилишни қатъият билан давом эттиравердим! Ишонасизми, тўйга санокли кунлар қолганида, ажойиб кунлардан бирида эрталаб ўша йигирма минг АҚШ долларини қандай қилиб топиш ғояси билан уйғондим. Бу эса барча молиявий муаммоларимни ҳал этди! Айтмоқчиманки, сиз ҳам Аллоҳдан сўрсангиз, ғоянинг ўзи келади. Шу тариқа муаммоларингиздан халос бўлиб, ҳаёт йўлингизда янги саҳифа очилади.

Аффирмация қилишдан чўчиманг. Эрталаб, ҳали тўшакда ётган чоғингиздаёқ ўзингизни ишонтириб, истакларингизни ҳақиқатдек кўрсатишдан чўчимай, овоз чиқариб айтинг:

- Мен кучлиман!
- Менинг қоматим келишган!
- Мен соғломман!
- Мен бир ойда минг долларлик даромадга эгаман!
- Мен оиламда бахтиёрман!
- Мен омадлиман!

Аффирмацияларни ва визуализацияларни кунига бир неча марта такрорланг. Ана шунда борган сари ўзингизга нисбатан ишончингиз анча ортганини ҳис қиласиз.

Энди, гўё ўша буюк мақсадларингизга эришгандек уларни хаёлингизда шакллантира бошланг. Яратмоқчи бўлган ўша хилқатни кўз олдингизга келтиринг. **Визуализация**, бу – ўзингизни қандай кўришни истасангиз, шундай тасаввур этишингиздир. Орзуларингизни асл ҳаётда қай тарзда кўришни хоҳласангиз, худди шундай тасаввур қилинг. Ўша суратга ўзингизни қўйиб кўринг-да, оламга ичкаридан қаранг. Дейлик, машина олишни хоҳладингиз, йўлда ёки кўчада олд ойна орқали қараган ҳолда уни бошқариб бораётганингизни тасаввур қилинг... Кейин ортингизга ўгирилиб, бугунги аҳволингизга назар ташланг. Сиз истаган жойга етиб бориш учун нималар қилишингиз керак, қандай қадамлар ташлашингиз зарур? Ҳаётингизда нималарни ўзгартиришингиз лозим? Нимадан бошлаш ва нимадан воз кечмоқ керак? У ерда кимнинг ёнида бўлишни хоҳлардингиз? Ва, аксинча: ким билан бирга бўлишни истамасдингиз? Мабодо, барча муносабатлар рисоладагидай бўлганида, ҳаётингиз қандай киёфа касб этарди? Ўз мақсадларингизни амалга оширишга дадил киришинг ва шу бугуноқ биринчи қадамни қўйинг! Имконият уларни кутаётганлар олдига ҳеч қачон ўзи келмайди, балки у ҳужумга журъати бор одамлар қўлигагина берилади.

**Орзу**, бу – ҳаётдан бутун эҳтирос билан истаганларингизни олишни хоҳлашингизгина бўлмай, балки айна дамда ўзингизни қай тарзда кўришингиз,



истакларингизни аниқ-тиниқ сезишингиздир. Унутманг, коинот учун ўтган ва келаси замон тушунчалари йўқ. Коинот ҳаммасини ҳозирги замонда кўради. Шундай экан, келажак ҳақида сўраган чоғингизда коинот истақларингиз билан нима қилиш кераклигини билмайди, чунки у “келажак” тушунчасига эга эмас. Ўзингизни келажакда қандай кўрмоқчи бўлсангиз, ҳозир ҳам шу тарзда кўра олинг, шундай сезинг, гаплашинг, ўзингизни гўё истақларингизга етаётгандек тутинг. Ролга кириш ва ҳаракат қила бошланг, ўз орзуларингизга етишиш борасида қадам ташланг. Ахир, ҳаёт, бу – ўйин. Бу ўйин ўз ижрочи артистлари, яъни биз билан ўйналади. Ва бу ўйинда ўзимиз танлаган, ўзимизга муносиб ролимизни ўйнаймиз.

Сиз атрофингизда кечаётган барча ҳодисаларни худди ўйиндек қабул қилинг. Ўз ролингизни яхшироқ, бахтлироқ, омадлироқ ролга алмаштиринг. Ташвишлар ва омадсизликларни вақтинча бўлса-да, унутинг. Табассум қилинг, бахтли ҳаётингиздан ҳар тарафлама қониққан одам қиёфасини пайдо қилинг. Тез-тез шу ролга кириб туриш, ўшанда унга одатланиб қолганингизни илғаб оласиз. Қаддингизни тик тута бошладингиз, шунчаки ўзингизни ҳар тарафлама қулай ва яхши сезаётганингиз учун жилмаясиз. Сиз атрофдагиларни ва рўй бераётган ҳодисаларни ўзгача қабул қиляпсиз. Сиз камроқ ранжияпсиз ва қавм-қариндош, кўшнилар, таниш-билишларингизга яхшироқ муомалада бўляпсиз. Баъзан эса, ҳатто сизни хафа қилганларга ҳам бошқача муносабатда бўла бошладингиз. Энди яшашингиз осонлашади. Муаммоларингиз енгил ечим топаётганини билиб қоласиз. Шу боис ҳаётингиз ҳам тотлироқ бўлди. Ролингизни бошқасига алмаштиришни хоҳламайсиз. Бу ролда умрбод қолишни истайсиз!

Аксарият инсонлар моддий фаровонликка етишишга сира уринмайдилар, чунки улар буни уддалай олишларини ҳеч қачон ўйламайдилар. Улар ҳеч қачон, ҳатто ҳаракатни бошлашга ҳам уриниб кўришмайди. Охир-оқибатда орзуларга ишониш ва уларга эришиш имкониятидан воз кечадилар.

Жек Кенфилднинг “Ўйлаш ва бой бўлиш” китобида ибратомуз латифа келтирилган. Бир одам черковга келиб, илтижо қилади: “*Ё, Парвардигор, мен омадли бўлишни хоҳлайман, менга пул ниҳоятда зарур. Мен лотереяда ютишим керак. Худойим, Сенга суянаман, Сендан умид қиламан*”. У ҳеч нарса юта олмагач, бир ҳафтадан кейин яна черковга келади ва тағин ялина бошлайди: “*Худойим, мен лотерея ҳақидаги илтижоларимни яна такрорлайман... Мен хотинимга меҳр-муҳаббат кўрсатдим. Ичкилик ичишни ташладим. Бир-биридан яхши ишлар қиляпман. Менга биргина имконият бер. Менга омад юбор, лотереяда ютайин*”.

Яна бир ҳафтадан кейин ҳам, бу одам ҳеч қандай бойимасдан, яна черковга келади ва Худога тағин ёлворади: “*Парвардигорим, афтидан, илтижоларим сенга етиб бормаётганга ўхшайди. Ҳаммасини синаб кўрдим – пулни ҳам кўз олдимга келтирдим, аффирмация асосида гапирдим, ички “мен”им билан ижобий тарзда суҳбатлашдим, фойдаси бўлмади. Менга имкон бер, оҳ, Худойим. Лотереяга ютуқ юбор*”.

Тўсатдан осмон гумбурлаб, черковни ёрқин нур ёритиб юборади. Осмондан илоҳий оҳанг келади ва овоз эшитилади: *“Эй, бандайи ожиз, Сен ҳам менга имкон бер. Амалий ишга кириш. Ҳеч бўлмаса, лотерея чиптасини сотиб ол!”*

Ҳаётда аста-секинлик ярамайди! Муваффақиятга элтувчи муҳим калитлардан бири – керакли жойда керакли пайтда бўлишдир. Сиз айнан керакли жойда пайдо бўлганингизни англашингиз билан сира кечиктирмай ҳаракатни бошланг! Натижага эришиш сари етакловчи учта ажойиб сўз куйидагилардан иборат: **БУНИ ДАРҲОЛ БАЖАРИНГ!** Кутиб ўтирманг, **БУНИ ДАРҲОЛ БАЖАРИНГ!**

Ана шунда сиз якуний оладиган жабру жафоларингиз мукофотланади.

Умримнинг энг гўзал даври, энг роҳатбахш лаҳзалари пулим жуда камлигида ўтган. Ўшанда мен ўз орзуларим изидан борар ва уларни эҳтиросга тўлганча таъқиб этардим. Институтни тугатганимдан кейин умр йўлимни бошлаган чоғда, ҳақиқатда пулим жуда оз эди. Заводда ўн йил ишлаган, сўнг эскироқ машинам, тўрт жондан иборат оилам билан истиқомат қиладиган бир хонали уйим бор эди. Бироқ булар муҳим эмас, чунки мен интилаётган орзуларим ва умидим мавжуд эди. Мен завод директори бўлмоқчи эдим. Ва ўз орзумни амалга оширишни уйдлашимни билардим! Ҳар куни эрта тонгда уйғонганимда, орзуларимдан қувват олар, ишга шаҳарнинг у чеккасидан бунисигача учта транспортда етиб бориш ва бир дақиқа ҳам кечикмасдан, роппа-роса соат 8.00 да улгуриш кераклигига қарамай, орзуларимдан қувват олардим. Ишга кечикканлик учун бизни мукофотдан маҳрум қилишлари ва кираверишдаги кўринарли жойга кечикканларнинг исм-фамилиясини рўйхат тарзида ёзиб, илиб кўйишлари мумкин эди.

Совуқ киш кунларида тонг саҳарлаб уйғониб, кун бўйи ишлайдиган муздай цехга бориш ниҳоятда малол келарди. Бу жуда оғир эди. Ўзимга тез-тез шундай савол бериб турардим: *“Буларнинг баридан мақсад нима? Қандай ниятни кўзлаяпман? Нима сабабдан қийналяпман, яқинларим – хотиним ва болаларимни ҳам азоблаяпман? Бошқа – энгилроқ ва иссиқроқ муассасани, қолаверса, уйимга яқинроқ ишни топсам бўлмайдимми?”* Бу саволларга жавобим йўқ эди.

Кунлардан бир куни ишдан уйга кеч қайтарканман, ана шу саволларимга жавоб топдим. Жажжи ўғилчамни кузатиб, унинг нақадар ҳаракатчанлигини, бор кучини сарфлаб ўтирмақчи бўлаётганини, кейин оёқларида тик туришга ва гапиришга уринаётганини кўрдим. Гўдак йиқилиб, ўрнидан туради ва токи юришни ўрганмагунича катта йўлни босиб ўтади. Мен ҳаётнинг энг асосий қондасини англаб етдим. Биз ҳам юришни, гапиришни, сўрашни ўрганаётган фарзандларимизга ўхшаймиз. Ҳаммамиз ҳам ҳаётда жуда кўп тўсиқларга дуч келамиз. Демак, ҳар доим ҳам биз истагандай бўлмаслиги мумкин. Ўз ҳаётимизнинг эгаси бўлиш ва биздан кутаётганларидан кўра кўпроғини адо этиш учун анча-мунча ҳаракат қилмоғимиз зарур. Инсон ёши ўтган сайин том маънодаги ўша жангни бирин-кетин бой бераётганини кўриш аянчли. Биз тўсиқларни пайқамай, айланиб ўтишни ва қадам-бақадам сабот билан юришда давом этишни фарзандларимиздан ўрганишимиз керак.

Агар ортимизга ўгирилиб, ўтган умримизга назар ташласак, унда кечган оғир онларнигина юксак баҳолаймиз, чунки айнан ўша тўсиқлар ҳаётда муваффақиятга эришишга кўмаклашган. Машаққатлар ва ҳафсаланинг пир бўлишидан холи бўламан, деб ўйлаган инсон ҳаёт ҳақида ҳеч нимани билмайди. Машҳур мусикачи ўзи эришган шон-шухрат ва олқишларгача маълум қийинчиликларга дучор бўлган. Концерт залида унинг маҳоратини олқишлар кутаётган бир соатлик муваффақиятли чиқишидан аввал қанчадан-қанча соатлар, кунлар ва ойлар давомида машаққатли иш ва машқлар ўтказганини ёлғиз унинг ўзигина билади. Шунингдек, ҳар бир талаба узоқ кутилган университетни битиргани ҳақидаги диплом топшириладиган кундан олдин анчайин залворли, оғир меҳнатга тўла йиллари ўтганини билади.


Ўзингиз истаган улкан нарсалар ҳақида сира уялмасдан орзу қилишингиз керак. Бу орзунгиз амалга ошишини ҳам орзу қилишингиз лозим, чунки орзуларнинг чек-чегараси йўқ! Сиз ўзингиз хоҳлаган яхшиликлар саноғи сарҳад билмаслигини англаб етинг. Қанча миқдорда пул ишлаб топиш ниятингиз ва қанча бўш вақтга эга бўлишни исташингиз чекланмаган. Бизнинг сайёрамиздаги юксак муваффақиятга эришган ва бой-бадавлат кишиларнинг сири аслида жуда оддий: улар барини буюк орзулардан бошлаб, орзу қилишни давом эттирмоқдалар! Сиз ўзингизга ҳаёлингиздаги ҳаётни орзу қилишингиз, ҳаёл суришингиз ва тасаввур этишингизга имкон беринг. Ахир, ким бўлишингиз, нималарга эгалик қилишингиз, қанча пул топишингиз, банк ҳисобингизда қанча маблағингиз бўлиши ва ҳаётда нималар билан шуғулланишингиз борасида ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Ўз орзуларингиз орқали жамики пул, вақт, маълумот, бутун тажриба, барча алоқалар, ҳаётингизда тилаганингизга етишишингизга зарур барча нарсаларга эга эканлигингизни тасаввур қилинг. Дейлик, чексиз яширин кучга эга бўлсангиз, ўзингиз ва оилангиз учун қандай ҳаётни яратган бўлардингиз?


Биз ўзимизни яхши сезаётган чоғда олдимизга катта мақсадлар кўямиз. Башарти, кайфиятимиз бузилгудек бўлса, уларни жон деб кичикроқ мақсадларга алмаштирамиз. Мақсад қанча улкан бўлса, унга шунча камроқ тузатиш киритамиз. Ўзингизга, ҳойнаҳой, шундай савол бергандирсиз: ҳавода улкан қасрлар қургандан кўра, кичикроқ бўлса-да амалга ошадиган мақсадларга эришиш яхшироқ эмасми?

Йўқ, менинг назаримда, улкан мақсадлар кичикроқларига нисбатан анча дурустроқ амалга ошади. Нима учунлигини ҳам айтиб ўтаман.


Бирор-бир кичик мақсадни тасаввур қилинг. Ўзингиз ҳамда мақсадингиз орасида муаммо чиқиши баланоқ ўша муаммо сизни мақсаддан тўсади.

Энди сиз кўраётганингиз – муаммо. Бу муаммо орқасидаги мақсадни сиз умуман кўра олмайсиз. Кўз ўнгингизда аниқ мақсад йўқ экан, кўркувлар ва шубҳалар пайдо бўлади. Бундай вазиятда кўпчилик нима қилишини биласизми? Улар янги мақсадларни излаша тушадилар.





Турган гапки, улар билан мақсадлари орасида қачон бўлмасин, яна муаммо пайдо бўлади. Бу муаммодан ҳам қочиш учун улар яна янги мақсад излашга киришадилар. Энди кичик мақсаддан фарқли равишда жуда улкан мақсадни тасаввур қилинг. Бу ҳолда сизни муаммо мақсаддан тўса олмайди. Шу боис сиз аввалгидек нима қилаётганингиз ва нима учун шундай иш тутаётганингизни англаб етасиз.



Бизга катта мақсадлар нима учун ёрдам беришининг кейинги сабаби: улар имкониятларни идрок этишимизни кучайтиради. Одамлар бундан қанчалик фойда топишга қурби етса, фақат шунчалик эътибор кўрсатишга мойилдирлар. Катта мақсадлар дунёқарашимизни кенгайтириш, кўшимча имкониятлар очиш, янги кишилар билан танишишимизга имкон беради. Ўша буюк мақсадга эриша оламизми-йўқми, бу унчалик муҳим эмас. Энг асосийси, бунга барча кучимизни бахшида қилишимиздир. Ахир, биз нима учундир ўрганамиз, ўсамиз, ўзимизда янги сифатларни ривожлантираемиз. Мақсад қанчалар юксак бўлса, унга етишмоғимиз учун шу қадар ўсишимизга тўғри келади.

**Катта маблағ яратган кишиларнинг мақсадлари ҳамиша улкан бўлган.** Ҳар бир муаммо мақсад билан маълум даражада ўзаро муносабатда бўлади. Шундай қилиб, муаммолар, ҳатто ечиб бўлмас туюлса ҳам, улар нисбатан катта эмасдек кўринади.

Масалан, CNN муассиси Тэд Тернерни олинг. У ҳали ёшлигидаёқ отасининг тамойилини ўзлаштириб олди. *“Олдинга шундай мақсад қўйгинки, унга етишишга умринг етмайдиган бўлсин”*, деган эди унинг отаси. Ва Тэд Тернер жаҳон миқёсида энг



йирик телестудия яратишга аҳд қилди. Унинг йўлида катта муаммолар пайдо бўлганини, албатта, тасаввур қиласиз. Тэд Тернер шундай дейди: *“Қандай муаммолар пайдо бўлгани муҳим эмас – улар менинг мақсадим билан таққослаганда нисбатан кичик эди. Шу тариқа, муаммолар ичида ўзимни йўқотмай, аксинча нигоҳимни доимо мақсадга йўналтирганман”*.

Сизга энг муҳим омиллардан бирини айтиб, шундай йўл тутишга чақираман. Қоғоз олинг-да, ўзингиз учун қуйидагиларни аниқлаб олинг: қандай орзуларингиз бор? Нимани амалга оширмақчисиз?! Ўз орзуларингизга аниқ ва яққол тус бериш – гўё иш учун махсус наряд тузаётгандек, уларни батафсил баён этиш энг мақбул усулдир. Уларни худди Яратганга илтижодек тасаввур қилинг. Фикру ўйларингиз эркин парвоз қилишига имкон беринг ва ўзингиз учун бошқа кўплаб мақсадларни излаб кўринг. Бирорта ҳам тафсилотни ёддан чиқарманг! Башарти, уй сотиб олмоқчи бўлсангиз, уни мумкин қадар жонли тасвирланг: қандай қурилгани, қаерда жойлашгани, дераза отидаги манзараси, жиҳозлари, маиший техникасини кўз ўнгингизга аниқ келтиринг. Шунга ўхшаш уй тасвири ёки суратини топинг. Башарти, бу хаёлингиз натижасигина бўлса, кўзингизни юминг-у, барча тафсилотлари билан тасаввур қилинг. Унутманг, биз қандай бўлишни орзу қилсак, охир-оқибатда худди шундай бўламиз. Орзунгиздаги уйга қачон эгалик қилмоқчисиз – энди ана шу ниятингизнинг санасини ёзинг. Кўйилган мақсад ҳақиқатда амалга ошиши учун у аниқ-гиник шакллантирилган ва “қанча ва қайси муддатга?” деган саволга жавоб берадиган бўлиши даркор. Ўзингизга имкон қадар аниқ мақсад қўйинг: агар автомобиль олиш ниятингиз бўлса, унинг қандай тури, қайси русумдалиги, ранги, қайси йилда чиққани, ҳажми, шакли, ташқи кўринишигача таърифлаб беринг.

Ёдингизда тутинг, аниқ бўлмаган мақсадлар аниқ бўлмаган натижаларни олиб келади! Бунга мисоллар келтираман.

Аниқ бўлмаган мақсад ёки яхши ғоя: мен океан бўйида катта уйга эга бўлишни истайман.

Аниқ мақсадни тўғри айтиш ва ёзиш эса қуйидагича бўлади: 2012 йилнинг 29 апрель оқшомида Иссиққўл қирғоғида жойлашган Чўлпон ота қишлоғида 400 квадрат метр майдонли уйим бўлади.

Ўзингизнинг “Орзулар” Китобингизга нимани ёзасиз? Сиз орзунгизни аниқлаштира бошлаганингизда, кеча қандай ҳодиса юз берганига асосланманг. Умрингизнинг бугунги кунига қадар эришганларингиз негизда орзунгизни аниқлаштирманг! Орзуларингизни шунчаки омадсизликка учрамайдиган тарзда аниқлаштинг, чунки у сиз амалга оширишингиз мумкин бўлганини аниқлайди! Молиявий муваффақиятларга тегишли орзулар пайдо бўлганида, шу заҳотиёқ ўзингизни ва ўз хаётингизни англашингиз тарзи ўзгара бошлайди. Сиз хаётингиз яхши томонга ўзгармагунча аста-секин, доимий равишда ҳаракат қила бошлайсиз. Буюк мақсадлар ҳақидаги орзулар, бу – молиявий муваффақиятга эришишингизнинг дебчасидир.

Фақат энг муҳим мақсад ва орзуларингизни ёзиб боринг. Ўз олдингизга ўзингизни ўсишга етакловчи ва, ҳатто қийинчилик туғдирувчи мақсадлар қўйинг. Гарчи биз ягона жамиятда яшаётган бўлсак-да, ҳар биримиз якка ҳолда ривожланамиз. Мақсад ва орзуларингиз ёзилган қоғозни иш жойингиздаги деворга илиб ёки ойна остига қўйинг, токи мақсадларингиз доимий равишда кўриб туришингиз учун кўз ўнгингизда турсин.

Мақсадларингизни бир кунда икки ёки уч марта қайта-қайта ўқиб боринг. Бунинг учун, албатта, вақт топинг. Ҳар бир мақсадингизни навбатма-навбат эҳтирос ва кўтаринкилик билан овоз чиқариб ўқинг. Кўзларингизни юминг ва ҳар бирини гўё уларга етишгандек тасаввур этинг. Эришганингизда нималарни ҳис қилишингизни бир неча сония сезинг. Бу сиздаги ишончни орттиради, ижодий имкониятларингизни кучайтиради ва мақсадга етишиш учун кўмаклашишга лаёқатли яширин воситаларингиз ҳақидаги тасаввурларингизни кенгайтиради. Мақсадларингиз рўйхатини кундалик дафтарингиз ёки таквимга киритиб қўйинг. Уни кунига икки марта – эрталаб турган заҳоти ва кекурун, уйкуга ётишдан олдин қайта-қайта ўқинг. Сафарга чиққанингизда ҳам ўзингиз билан бирга олиб юринг. Бу борада энг маъқул йўл – “Мақсадлар Китоби”ни тузишдир. Иш папкаси, қирқиб олинадиган суратлар учун махсус альбом ва ҳисоб дафтари сотиб олинг. Ҳар бир мақсадингизни алоҳида саҳифага ёзинг. Мақсадингиз ёзилган қайдномани алоҳида саҳифанинг юқорисига ёпиштириб, журналлар, каталоглар ва йўл кўрсаткичларидан қирқиб олинган суратлар, сўзлар ва иборалар билан гўё унга аллақачон етишиб бўлгандек безатинг. Янги мақсадларингиз пайдо бўлган заҳоти “Мақсадлар Китоби”даги рўйхатга қўшиб қўяверасиз. “Мақсадлар Китоби”ни ҳар куни кўриб боринг.

Вақт топиб, 101 мақсаддан иборат махсус рўйхат тузинг. Умрингизнинг охиригача нималарга эга бўлмоқчисиз, нималарга етишиш истагидасиз? Элликта мақсадни ёзганингиздан сўнг яна орзу қилиш қийин кечади. Сира тўхтаманг ва онг остингизга чуқурроқ назар ташлаб, орзу қилишни давом этинг. Уларни Мақсадлар Китобига киритинг. Ҳар сафар, улардан бирортасига эришганингизда, алоҳида белгилаб, ёнига “ғалаба” сўзини ёзиб қўйинг.

Мақсадлар, бу – орзуларингиз рўёбига олиб келувчи аниқ қадамлардан иборат келажакнинг тасвирдир. Айтайлик, қўлингизга уммондаги ороллардан бирига кўмилган хазиначилар харитаси тушиб қолса, нима қилган бўлардингиз? Энг яхши кемани ижарага олармидингиз? Ўз касбининг моҳир усталаридан ташкил топган гуруҳни ёллармидингиз? Йўлга тансиқ егуликлар олармидингиз? Йўқ ва яна йўқ! Энг асосийси, йўл кўрсатувчи компасни ва бу оролга уммон орқали тез ва хавф-хатардан холи йўл топа оладиган бошқарувчини топар эдингиз. Зўр муҳими: сиз – ўз кемангиз дарғасисиз. Орол харитасига эгалик (орзуларингиз ва мақсадларингиз), компас (ҳаракатланиш режаси) ва бошқарувчи (устоз) ана шу масъулиятингиздир. Ўз олдингизга қўйган мақсадларингизни амалга оширишингиз орқали эришган муваффақиятдан катта қониқиш ҳиссини туясиз. Бунинг учун вақтингизни аяманг, мақсадларингизни албатта аниқлаштириб ҳамда тузатиб олинг. Олдингизга мақсад


қўйиб, айнан қаерга интилаётганингизни билсангиз, ҳар бир ҳаётий вазиятни доимо тўғри баҳолай оласиз.

Аксарият одамлар нафақага чиққанларидан кейин кўп ўтмай вафот этишларини биламиз, чунки улар ўз олдиларига мақсад қўйишни тўхтатадилар. Аниқ йўналишда кетишдан тўхтаганингизда сизга салбий фикрлар таъсир қилаверади. Олдингизга мақсад қўйган чоғда улар ҳар доим жисмоний ва руҳий жихатдан тўқис бўлишингизни талаб этадилар. Орзу ва мақсадларингиз бўлган чоғда улар доимо ўзингизни ўзингиз, шу билан бирга атрофингиздаги одамларни ҳурмат қилишга чақиради. Бу орзулар ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларни кучайтириб, ўзингизга нисбатан ишонч уйғотади, улар ўзингизни шахс сифатида кадрлашингиз даражаси ва ички кадр-қиммат туйғунгиз ортишини таъминлаб, бахтиёрлик сари етаклайди. Орзулар бизни руҳлантиради ва ҳаракатланишга ундайди, яхшироқ бўлишимизга кўмаклашади. Бунинг учун махсус малакаларни эгаллаш, рўй бериши мумкин бўлган воқеалар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш, ўз мақсадлари йўлида кўркув ва тўсиқларни енгишни ўрганиш, яқин инсонлар билан ижобий тамойилларга асосланган янги муносабатлар куриш керак бўлади. Ўзингиздаги ёмонликни ирғитиб ташланг, назари паст одамлардан нарироқ юринг. Муваффақиятга эришган, шунингдек, орзуларга лиммо-лим ва уларни рўёбга чиқаришга интилган одамлар билан эса тез-тез мулоқотда бўлишга ҳаракат қилинг. Агар сиз бургутлар билан учишни истасангиз, товуклар билан бирга бўлишингиз ярамайди!

Кўпчилик ўз йўлида бой берадиган ягона омил – бу йўлда тўғри ҳаракатланиш тадбиридир. Орзуларингизни рўёбга чиқаришга имкон берувчи тадбирдан фойдаланишингиз бағоят муҳим. Ҳаётда олға силжишим, ўз умримни яратиш борасида бир пайтлар қўллаган чорам катта-катта орзулар қилишимга йўл қўймаган эди. Агар сизнинг буюк орзуларингиз бўлса-ю, ҳаётий воситаларингиз уларнинг рўёбга чиқишга монелик қилса, тушкунлик чегарасида яшайсиз ёхуд шунчаки ўз орзунгиз даражасини пасайтирасиз.

Олға силжиш учун воситалар талайгина: бу – ёлланиб ишга кириш, шахсий бизнес куриш, давлат ёки маъмурий хизмат, узвий алоқа маркетинги ва бошқа кўринишдаги ишлар бўлиши мумкин. Ҳар биримиз, ҳеч бўлмаганда, пул оқими квадрантининг тўртта чорагидан бирига мансубмиз.

Қаерда жойлашганимиз пулнинг бизга қаердан келиши билан аниқланади. Орамизда кўпчилик маошга караган одамлар ҳисобланади, демак, улар ёлланиб ишловчилар тоифасига мансуб. Бундай кишилар гуруҳини “Р” ҳарфи билан белгилаймиз. Бошқалар ўзини иш билан таъминловчи тоифага тегишли. Уларни “С” билан қайд этамиз. Булар ҳам, бошқалар ҳам *пул оқими квадрантининг* чап томонида жойлашади. *Пул оқими квадрантининг* ўнг томони ўз пулларини шахсий бизнеси – “Б” ёки “И” – шахсий сармоялардан олувчиларга тааллуқли.



“P” квадранти (ёлланиб ишлаётганлар)га мансуб кишилар ишга кирган кишилар бўлиб, улар компания директори ҳам, фарроши ҳам бўлиши мумкин. Улар нима иш билан шуғулланиши унчалик муҳим эмас, ўша одам ёки уни ёллаган ташкилотлар билан шартнома асосида тузилган битим муҳимдир.

“C” квадрантига тааллуқли (ўзини иш билан таъминловчи) кишилар гуруҳига майда дўконларнинг бизнес эгалари, кимёвий усулда тозаловчилар, автомобиль таъмирлаш устахоналарининг эгалари, шунингдек, шифокорлар, маслаҳатчилар, сайёҳлик компанияси агентлари, сув қувурлари усталари, дурадгорлар, электр усталари, сартарош ва рассомлар киради.

“B” квадранти (бизнес эгаси) одамлари тизимга эгалик қилади ва бу тизимни ҳаракатга келтиришга лаёқатли кишиларни ёллайди.

“I” квадрант (сармоядор – инвестор) одами – пул ёрдамида пул топади. Бундай кишиларнинг ишлашига зарурат йўқ, чунки улар учун пул маблағлари ишлайди.

*Пул оқими квадранти* бизнес оламини ташкил этувчиларнинг кимлиги, ҳар бир квадрантдаги ўзларича ягона бўлган алоҳида одамларнинг тўрт хил намунасини ўз ичига олади. У ҳозир қайси шуъбада эканлигингизни аниқлаш ва молиявий эркинликка ўз шахсий йўлингизни танлаган чоғда, келажакда қаерда бўлишни истаган жойга йўл кўрсатишга кўмаклашади. Молиявий эркинликни ҳар тўрттала квадрантларда топиш мумкинлиги боис “B” ёки “I” шуъбалари молиявий мақсадларингизга тезроқ эришишингизга ёрдам беради. Агар пул оқими квадрантининг қайси шуъбада экандалигингизни муфассалроқ аниқламоқчи бўлсангиз, сизга Р.Кийосакининг “Пул оқими квадранти” китобини ўқишни тавсия этардим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча омиллар сизга чексиз миқдорда пул ишлаб топиш, шунингдек, орзу қилишингиз ва уларнинг рўёбга чиқиши учун ҳаракат қилиб, тинмай интилиш шarti билан ўз ҳаёт тарзингизга эга бўлишга, мақсадларингизга етишишга имкон беради. Бундай имкониятга эришиш учун имкон берувчи айнан ўша воситани қандай танлаш хусусида кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз.

Агар сиз ўз бизнесингизни муваффақиятли қурсангиз, миянгида, қалбингизда сақланаётган орзуларингиз сизни азобламаслиги ва калака қилмаслигига буткул ишонаман. Бу орзу миянгида ва қалбингизда сақланиши, ўз йўлингизга эга бўлмоғингиз



учун керак. Бу йўлни Парвардигори олам қурган. Уни гўё ер юзини қоплаган умумий нуқтаи назар (глобал позициялаш) тизими ёки умрингиз давом этувчи йўл харитаси, дейиш мумкин. Башарти, орзулар миянгиз ва қалбингизга жойлашса, уларни рўёбга чиқаришга лаёқатли бўласиз – бу ҳақиқат ҳар бир кишига таалукли. Агар бизнесингизни тўғри тамойиллар асосида қурадиган бўлсангиз – бу орзу сценарийси бўлади. Сиз охирида оладиган натижаларга нисбатан кўпроқ орзу қилишингиз мумкин. Кўлингизда ҳаммаси мавжуд, истаган орзунгизни рўёбга чиқаришга имкон берувчи воситага эгасиз. Ўз орзуларингиз изидан боришга бахшида этилган умр кечираётганингизда, бутун қалбингиз билан интилган ва орзуларингиз томон бораётган чоғда, энди инсон зотининг янги нусхасига айланасиз. Чунки сиз йўлингизда учратган кўплаб одамлар, эҳтимол, ўз орзуларига эгадир, бироқ уларда орзуга етишиш имконини берувчи ўша восита йўқ. Бу умрингиз мобайнида энг юксак, ажойиб имкониятга етишишингиз мумкинлигидир.

Сиз ўз орзуларингиз пайига тушган чоғингизда, ўзгача инсонга айланасиз ва бошқалардан нақадар фарқ қилишингизни англай бошлайсиз. Орзуларингиз изидан бориб, улар рўёбига ишонсангиз, қувватнинг янги даражаси юзага келади. Сиз янгича тарзда юрасиз, янгича гапирасиз. Одамлар сизнинг деярли яшнаётганингизни кўрадилар, чунки ичингизда ўзига хос жараёнлар рўй беради. Орзуларингиз анқлигини, орзунгизни рўёбга чиқаришга имкон берувчи воситангиз борлигини биласиз. Ва сиз билганлардан беҳабар бошқа одамларга нисбатан ачиниш ҳиссини туя бошлайсиз. Чунки бу китобни кўлингизга олишингиз билан орзуларингизни рўёбга чиқариш воситаси сифатида ишонч даражасини яратиб бўлдингиз. Сиз орзуларингиз туфайли ривожланишни истаганингиз боис бошқалардан фарқ қиласиз!

Кўпчилик ўз орзусини рўёбга чиқара олишининг сабаби, бу – орзунинг юрак тубида жўшқин жойлашганидир! Одамлар ҳаракатларни мантиқ асосида эмас, балки ҳиссиётларга берилган тарзда амалга оширадилар! Фақат орзуларингизда мантиқ эмас, ҳиссиётлар бўлган чоғдагина барча қийинчиликларни енга оласиз, ўз орзуларингизни рўёбга чиқара билиш учун барча қарама-қаршиликларни енгиб ўта оласиз!

Менинг улкан орзуларим бор эди: ҳар ойда етарли даражада пулга эга бўлиш, ўз ҳаётимга эгалик қилиш, эрталаб уйғонгач, ишга югурмасдан, ўзим истаган фаолият билан шуғулланиш... Бу мантиқий эмас, доимо ҳиссий орзу бўлган, у миямда туғилмаган, балки қалбимнинг туб-тубида жойлашган. Молиявий мустақилликнинг шундай турини эгаллаш, бу – менинг ҳиссиётларим эди. Бу орзу мени йиғлашга мажбур қиларди! Шундай орзум бўлмоғи, усиз яшолмаслигим керак эди! Агар сизда ҳам шундай орзу бўлиб, усизи яшай олмасангиз – демак, бу қалбингиз тубида жойлашган жўшқин орзунгиз борлигидан дарак беради. Ўшанда умрингизда истаган ҳаракатни, ҳар қандай ўзгариш суръатини ярата оласиз. Бу муваффақият сизга келтирадиган мукофот, натижага ўз диққатингизни жамлаб ўтирмайсиз.

**Келажакка бўлган умид айни дамдаги куч-қувватни намоён этади. Ана шуни тушуниб олишингиз керак!**

“Бу ажойиб олам” номли ажойиб фильм бор. Унда бош ролни Жимми Стюарт ижро этган. Фильмнинг қисқача мазмуни шундай:

Жимми Стюартнинг қахрамони омадсиз. Ёшлигида унинг орзулари бўлган, албатта. Лекин ҳаёт у билан жиддий равишда ҳазиллашади. Отаси хасталаниб қолгани боис, бу қахрамон унинг ўрнига ишлаши керак эди. Кейин у уйланди, фарзандлар кўрди ва ҳаёт уни толиқтира бошлади. Орадан йигирма йил ўтиб, у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Чунки ортига ўгирилиб қараб, ёшликдаги орзуларидан бирортаси ушалмагани, рўёбга чиқмаганини кўради. Фильм бошида иккита фаришта юқоридан пастга қараб турарди. Жимми Стюарт кўприк лабида турган чоғида бир фаришта бошқасидан сўрайди: *“Унга нима бўлди, касал бўлиб қолдимми?”* *“Йўқ, – деб жавоб беради бошқаси, – ундан ҳам бадтари рўй берди: унинг келажакка умиди йўқолди!”*

Сизнинг келажакка доимо умидингиз бўлмоғи керак! Ана шунда эрталаблари тўшакдан ирғиб турасиз ва муаммоларингизни осонгина ҳал қиласиз. Келажакка умидингиз бор экан, салбий хулқ-атворга эга кишилар билан муносабатингиз анча осонроқ кечади.

Мен сизга ўз ҳаётингиз тажрибамда гувоҳ бўлган бир мисолни келтирмоқчиман. Тошкентдаги йирик машинасозлик заводи директори бўлиб ишлаётган чоғларимда Россиядаги машинасозлик корхоналари билан ҳамкорликда бешта қўшма корхона яратдик. Биз биргаликда тракторларга янги дизель двигателлари билан уларнинг захира туташ қисмларини ишлаб чиқара бошладик. Бу иш ҳаммадан, айниқса, раҳбарлардан жуда катта қувват ва фидойиликни талаб қиларди. Қўшма корхоналаримиз бош директорларидан икки нафари – Улуғбек Алиев билан Ғофуржон Ҳамроевлар Россияда хизмат сафарида бўлган чоғида автомобиль ҳалокатига учрадилар. Улардан бири – Улуғбек Алиев ўша жойдаёқ шеригининг кўлида жон берди. Биз ўз бурчимизни охиригача адо этиб, йигитларни Россиядан олиб келдик. Улардан бирини ўз ватанида, Ўзбекистонда дафн этдик. Иккинчиси турли шифохоналарда, шу жумладан, Москвадаги нуфузли клиникаларда, энг малакали шифокорлар ёрдамида даволанди. Бахтга қарши, хасталикни енгиш бизнинг қўлимизда эмас эди. Орадан бир ярим-икки йилдан сўнг Ғофуржон Ҳамроев оғир хасталикдан вафот этди.

Бу йигитлар ҳақиқатдан ҳам ўз ватанларининг гуллаб-яшнаши йўлида ўзларини ҳам, соғликларини ҳам аямай меҳнат қилишганди. Улардан бирининг шарафига қўшма корхона муассислари “Прецизион” деган номни “Улуғбек Прецизион” деб ўзгартирди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам оилада ягона ўғил бўлиб, иккаласининг ҳам етмишдан ошган кекса ота-оналари бор эди (бу мисолни батафсил келтираётганимнинг сабаби, ўша вақтда юзага келган вазиятни тушунтиришдир). Директорлардан бирининг отаси ўғлининг ўлимини Аллоҳнинг иродаси деб қабул қилди, узоқ қайғурди, хасталанди ва яшашни давом эттирди, чунки унинг ҳали амалга олмаган орзулари бор эди – у ҳаж сафарига боришни, набираларини уйлантиришни ва яна жуда кўплаб ниятларини рўёбга чиқармоқчи эди. Отахон ҳозир ҳам ҳаёт, соғ-саломат, Маккага бориб, ҳаж маросимини адо этиб келди, набираларини уйлантирди, маҳалла кўмитасида жамоат ишлари билан машғул бўлиб, келажакдан умиди катта. Иккинчи директорнинг отаси

эса ўғлининг ўлимини ўзгача қабул қилди. Унинг кун сайин аҳволи танглашиб, жисмини куч-қувват тарк эта бошлади. Кўп ўтмай, ўғлининг ўлиmidан ўн беш кундан сўнг ўзи ҳам бандаликни бажо келтирди. Ёлғизгина ўғлининг ўлими туфайли яшашга куч-қуввати қолмай, келажакка нисбатан умиди сўнди. Фарзанд доғи оғир, албатта. Аммо бу – келажакдан умид узиш керак, дегани эмас. Ҳаммасини Аллоҳнинг иродаси сифатида қабул қилиш керак. Шуни ёдингизда тутинг: **келажакка умидингиз сизнинг ҳозирги кунингизга қувват беради!**

Мазкур китобнинг эътиборли жиҳати шундаки, уни ўқий бошлаганингизда, худди ўзингиз каби, ўз орзулари туфайли ўсишга аҳд қилган одамлар билан муносабатга киришасиз. Бу дунёда сиз бажармоқчи бўлган деярли барча ишлар кимлардир томонидан адо этиб бўлингани жуда қизиқ. Моддий эркинликка эришиш ҳақида сўз кетяптими, илмда ютуқларга эришишми, шахсий бизнесни очишми, оғир хасталиқдан тузалишми ёки дабдабали тўй ўтказишми, аҳамияти йўқ. Буни кимдир бажариб, ўз маслаҳатларини китоблар, қўлланмалар шаклида бизга қолдирган. Муваффақиятга эриша олган инсонларга ўқитувчи, устоз, тренер, маслаҳатчи сифатида мурожат этган ҳам маъқул. Бу ахборотдан ўзингизнинг қизиқишингиз даражасида фойдаланиб, ҳаёт ҳақиқатда ўйиндан бошқача эмаслигини англайсиз. Сизнинг тайёр режага амал қилишингиз ёки ишлаб чиқилган тизим ёхуд дастурдан фойдаланишингиз қолади, холос. Шу боис ўзингизга ўхшаган, юксак орзуларга эга инсонлар билан тез-тез муносабатга киришиб туринг. Улар билан алоқада бўлар экансиз, улкан орзулар ҳақида ўйлай бошлайсиз. Шундай нақл бор: *“Сиз ким билан боғланган, ким билан муносабатда бўлсангиз, худди ўшандай инсонсиз”*. Ўсмир болаларнинг ота-оналари бу ҳақиқатни яхши билишади.

Хотиним иккимиз фарзандларимиз балоғат ёшига етганида уларнинг яхши дўстлар билан алоқада бўлиш, тўғри муносабалар доирасини танлашларига жиддий эътибор берганмиз. Чунки, бу давр – энг нозик палла ҳисобланади. Кузатишни асло қанда қилмаганимиз боис, фарзандларим ўсмирлик ёшидан рисоладагидек ўтишди. Сиз ҳам, азиз китобхон, балоғат ёшидаги боланинг бадхулқ, ёмон одамлар билан биргина танишиши уни қанчалик ўзгартириб юборишини биласиз. Шу боис фарзандларингиз ким билан муносабатда эканлиги ҳақида маълумотга эгасиз. Биз бутун эхтирослари ила ўз орзуларини таъқиб этадиган одамлар билан алоқада бўлиш учун бу тамойилларни ўзимизга нисбатан қўллашимиз зарур. Чунки сизнинг муносабатларингиздан ташқаридаги аксарият одамлар бутунлай бошқача, у ерда улар ўз орзулари изидан бормайдилар. Улар шунчаки таслим бўлишади, келажакка умидлари йўқ. Шу боис ҳозирдан қувватлари йўқ. Сурбетлар ва зорланувчилар тўўрисида ўйламанг. Улар ҳамиша тўлиб-тошиб ётади. Сизни ҳақиқат йўлидан туртиб юборишга уринувчи одамлар ҳар қаерда топилади.

Шунингдек, йўлингизда ўз ҳаёти давомида биринчи дуч келган тўсиқданок тўхтаган ва тўхтаётган кишилар ҳам учрайди. Бундайлар сизни орзуларингиздан маҳрум этишга уринадилар. Улар сизларга шундай дейдилар: *“Кўйинг, бунинг уддасидан чиқолмайсиз”, “Бундай қилиш мумкин эмас”, “Бизнесда жуда кам одам*

*муваффақиятга эришган*”. Ҳатто энг яқин қариндошлар ёки дўстлардан ҳам шу каби сўзлар чиқиши мумкин: “*Ўзини ким деб ҳисоблаяпти?*”, “*Тавба, ўзича нималарни ўйлаяпти?*” “*Ахир уни беш қўлдай биламан, биз битта синфда ўқиганмиз*”, “*Ҳаётда унга ўхшаган одамлар мутлақо муваффақият қозонишмайди*”.

Сизнинг атрофингизда ҳар доим етарли даражада майда зараркунандалар топилади. Улар оғзига келганини қайтармайдилар, фақат сизни ўз сўзларига ишонтириш ва ўзлари каби омадсизлар сафларига қайтаришса бўлгани. Чунки аксарият инсонлар ўз мижозларига кўра, ўзларидан илгарилаб кетишингизга йўл қўйишмайди. Улар мақсадлари бор инсоннинг ҳафсаласини пир қилиб, уни атрофдагилари томонидан қўллаб-қувватланиш эҳтиёжидан маҳрум қиладилар. Муваффақиятга эришган одамлар ўз келажакларига ишонганлари учун юксала бошлайдилар. Ҳаёт шундай таркиб топган, оломоннинг учдан бир қисми сизга самимий қизиқиш кўрсатади, учдан бири сизга камроқ эътибор беради, яна бир қисми эса сизга шунчаки бефарқ! Буни яхшилаб англаб олинг, бу тушунчанинг моҳияти сизни ерга қайтаради.

Америкача бир матал бор: “*Чўчкалар ўзларининг сасиётганларини билмайди*”. Бунинг маъноси шуки, агар хонада бир тўда чўчка бўлса, уларнинг ҳаммаси бадбўй ис таратади, бироқ буни ўзлари билмайди. Мабодо чўчкалардан бири хонадан чиқиб, чайиниб келса, у аввалгидек сасимайди. Хонада қолган қавми эса ўша чўчка ўзларидан кўра бошқачароқ хид чиқараётгани боис, уни яна орқага – ўзларига тортадилар.

Биз ҳамиша ўзимизни ортиқча боҳолашга мойилмиз. Атрофдагиларнинг таъсирига берилмаслик учун етарли даражада кучлимиз, деб ўйлаймиз. Бироқ болалиқдан тақлид қилиш орқали ўрганамиз. Таниш-билишлар ҳамда дўстларимиз, ўзимизга туюлганидан ҳам кўра бизга анчайин кучлироқ таъсир кўрсатишади ва биз буни англамай қоламиз. “*Сен дўстинг кимлигини айтсанг, ўзингнинг кимлигингни айтаман*”, деган қўхна нақлни биласиз. Буни оддий мисолда кўриш мумкин: агар ён-атрофингиздаги кишилар сиздан кўра камбағалроқ бўлишса, жойингизда қоласиз. Мабодо атрофдагилар бой-бадавлат ва омадли бўлишса, сиз ҳам худди улардек бой ва омадли одамга айланасиз.

Яқинларингиз билан оддийгина машқни ўтказиб кўринг. Курсига чиқинг. Кейин пастда турган нимжонроқ одам билан куч синашинг. Сиз рақибингизни курсига чиқариб олишга уринасиз, у эса аксинча сизни пастга туширишга ҳаракат қиладди. Хўш, ким ғолиб чиқади?

Физика қонуниятига кўра, пастга тушириш юқорига чиқаришдан осонроқ. Сиз ғолиб бўла олмайсиз. Рақибингиз ўзини юқорига тортишингизга шунчаки йўл бериб, кучдан қолишингизни кутиб туриши керак.

Мен вақт топиб, ёнингизда ўтириб, сизнинг қандай орзуларингиз борлигини чин дилдан билгим келади! Қирқ саккиз соат давомида ўзингизнинг Орзу Китобингизга нималарни ёзасиз? Мен ўз орзуларини битадиган ҳар бир инсоннинг кўзларига боқишни истар эдим. Кўзлар, бу – қалб ойнаси. Сизга шундай деган бўлардим: сиз



бунинг уддасидан чиқасиз! Бу осон бўлмайди! Шунга қарамай, сиз шундай қила оласиз!

Курашдан воз кечиш қийин эмас, бунга ҳар доим улгурасиз. Сизнинг қандай тоғ чўққисига чиқишингиз, қандай муаммоларни ҳал этишингизга тўғри келишини билмайман. Олдинда қай даражадаги синовлар ва қийинчиликлар қутаётганидан ҳам беҳабарман. Лекин бир нарса менга маълум: курашдан воз кечиш ҳар доим эрта, бунга улгурасиз. Шу боис ҳеч қачон таслим бўлманг! Одамлар ютқазидан кўра, осонликча таслим бўладилар. Масала қанчалик оғирлаша борса, мукофоти шунча катта бўлади. Ўзингиздан бошқа ҳеч ким улкан муваффақиятингизни ўғирлаб ололмайди. Ҳаёт йўлимизда учрайдиган ташвишлар, қийинчиликлар, омадсизликлар бизнинг ривожланишимиз учун керак, албатта. Келгуси буюк ишларни амалга оширишга тайёрланишимиз учун бизга оғир синовлар жуда зарур.

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Черчилл бир вақтлар ўзи таҳсил олган мактаб ўқувчиларига қандай сўзлар билан мурожаат қилганини биласизми? “Харроу” номли ушбу машҳур инглиз мактабининг катта ошхонасида қабул маросими уюштирилар экан, бутун мактаб аҳли мамлакатнинг энг ҳурматли кишиларидан бирини эшитиш учун йиғилган эди. Мактаб директори бўйи бир юз олтимиш беш сантиметр ва оғирлиги юз килограммдан ошиқ бу ақл-идроқ соҳибини жуда ёрқин ва жўшқин сўзлар билан таништирди. Черчилл ўз номига билдирилган ажойиб илиқ фикрлар учун миннатдорчилик билдирди-да, ёддан чиқмас сўзларни айтди:

– Ҳурматли ёшлар, **ҳеч қачон таслим бўлманг**, ҳеч қачон таслим бўлманг, ҳеч қачон таслим бўлманг. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!

Ва жойига ўтирди.

Зал бир неча дақиқа жим қолди. Кейин бирдан портлаган қарсақлар узоқ давом этди.

Сиз буларнинг барчасини ўзида синаб кўрган, сизни орзу қилишга ўргатишга уринаётган, ўз орзусига интилаётган ва эришаётган инсонни англашингиз керак. Буни бажара оласиз!

Ҳисобга олиниши керак бўлган биргина омил шуки, сиз ўзингизга, қалбингизга ишонишингиз лозим!

Сиз келгусида тўхтатиб бўлмайдиган инсон бўлиб етишасиз!

Сиз ўзингизга ишонишингиз ва ўз орзуларингизни рўёбга чиқара бошлашингизга ишонаман!

Ҳаммамиз кўнглимиздаги пинҳоний орзуларимизни амалга оширишдан чўчиймиз, гўё биз уларга муносиб эмасдек ёки барибир рўёбга чиқаролмайдигандек туюлади. Уларга етишишнинг биргина йўли бор – ҳаракат қилишдир!

Агар ниманидир хоҳласангиз, бутун борлиқ бу ниятнинг амалга ошишига кўмаклашади!

Буни бажара оласиз!  
Буни бажара оласиз!  
Буни бажара оласиз!

Эътиборингизга орзуларга лиммо-лим мухлисамиз ёзган ушбу шеърни ҳавола этишни лозим топаман:

## ОРЗУ

*Орзуга ишонинг, орзу-ла яшанг,  
Орзу қилишдан тўхтаманг сира.  
Эрта тонгда ва ҳар кун хуфта тонда  
Яхши ният қилинг ётган-турганда.  
Орзуга айб йўқ, деган халқимиз  
Ҳаммамизнинг бунга бордир ҳаққимиз.  
Сўрасанг, бераман, дер қодир Аллоҳ,  
Яхши истак ерда қолмагай асло.  
Кимга бойлик керак, кимга бошпана,  
Кимгадир машина, кимгадир сарой.  
Кимдир орзу қилар: куним ўтса бас,  
Кимга соғлик керак, кимгадир чирой.  
Ҳар кимнинг тақдири ўзин қўлида  
Орзуларнинг асло чеки бўлмасин.  
Жуда улкан бўлсин, жуда бепоён,  
Аниқ тасаввур-ла, кўз олдингизда  
Ҳаммаси бирма-бир бўлсин намоён.  
Орзу қилиб яшанг, унга интилинг,  
Орзуга ишонинг, эй, азиз Инсон!*

*Замира Отахонова*

Китобхонларнинг барча тилаклари, ҳаётий мисоллари қабул қилинади. Янги нашр учун ўз мақсадига эришиш ва инсон такомилига мисол бўла оладиган ҳаётий лавҳаларни қуйидаги манзилда кутиб қоламиз:

100057, Тошкент, Уста Ширин кўчаси, 116

Равшанбек Хонниёз

Факс (99871) 2557675; моб (+99897)7502615; +998909592526

E-mail: ravshanbek55@mail.ru

## 1-тренинг

101 мақсадни ёзинг. Сиз нимани истаб, умрингиз охиригача нимага етишишни хоҳлардингиз? Улар қанчалик буюклиги, ҳаётингиз зарурлигига қарамай, уларни қачон ва қандай муддатда амалга оширишни ўйлаясиз? Шунчаки ёзинг. Ўзингизни эркин тутиб, ҳатто болаликдаги орзуларингизни ҳам қайд этишингиз мумкин. Ўзингизни чекламанг, ҳаёлпарастлигингизни уйғотинг!

### Менинг мақсадларим

#### Жами 1 бет бўлиши керак

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

## МУНДАРИЖА

Орзу	
1-тренинг	
Менинг мақсадларим .....	22

Омлшбоп нашр

РАВШАНБЕК ХОННИЁЗ

**ОРЗУЛАРИНГИЗ САРИ ИНТИЛИНГ**

Мухаррир  
Анвар НАМОЗОВ

Мусахҳиҳ  
Феруза ҚОСИМОВА

Бадий мухаррир Фирдавс  
ДЎСМАТОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Босишга 08.08.2012 й.да.рухсат этилди. Бичими 84\108 1\32.  
Босма тобоғи 1,0. Шартли босма тобоғи 1.68. Гарнитура «Lex Times Cyr+Uzb».  
Адади 2000 нусха. Буюртма № 199.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия раами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган. «Ёшлар матбуоти»  
босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси. 60.

***Мурожат учуй телефонлар:***

Нашр бўлими - 278-36-89; Маркетинг бўлими - 128-78-43  
факс - 273-00-14; web-сайтими: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)  
интернет-дўкон; [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz) e-mail: [info@yangiasr.uz](mailto:info@yangiasr.uz)